



**ТошДШИ “Таржимашунослик” кафедраси мудири
PhD. X. Ҳамидовнинг “Ўткир Ҳошимов асарлари турк
тилида” номли монографиясига ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида бутун дунё халқлари ўзбек адабиёти, тарихи ва маданиятини бадиий таржима воситасида янада яхшироқ таний бошлади. Ўз навбатида, ўзбек адабиёти ҳам дунё адабиёти дурдоналари билан янада бойиди. Адабиёт соҳасида алоқаларни кучайтириш, ўзбек адабиёти, маданияти, қадриятларимизга хурмат билан қараётган халқларга нималарни тақдим этишимиз мумкин деган масала кун тартибидан ўрин олди. Бу эса шарқшунос таржимонлар ва соҳа мутахассислари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди.

Таниқли ўзбек адиби Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси ва “Дафтар хошиясидаги битиклар” асарининг турк тилига таржималари устида олиб борилган мазкур тадқиқотда аслиятдаги миллийликнинг таржимада берилиши ва бу билан боғлиқ долзарб муаммолар кўриб чиқилади. Бундан ташқари, тадқиқотда жаҳон адабиёти дурдоналарининг таржима воситасида маданиятлар ривожига муҳим роль ўйнаши, халқаро муносабатларнинг адабиёт воситасида янада мустаҳкамланиши долзарб вазифалардан экани таъкидланади.

Халқлар орасидаги маданият кўприги ҳисобланган бадиий таржиманинг санъат даражасига юксалишида таржимоннинг истеъдоди ва таржиманинг савияси муҳим ўрин тутади. Таржимоннинг асл нусхани бошқа тилда қайта яратишдаги маҳорати ижоднинг бундай турида асосий омилдир. Таржимон маҳорати қирраларининг тадқиқ этилиши эса таржиманинг сифатини баҳолашга имкон беради. ТошДШИ “Таржимашунослик” кафедраси мудири X.Ҳамидовнинг “Ўткир Ҳошимов асарлари турк тилида” номли монографиясида таржимашуносликнинг ана шундай мураккаб масалалари тадқиқ этилган.

X.Ҳамидовнинг мазкур тадқиқотида атоқли ўзбек адиби Ўткир Ҳошимов асарларининг туркча таржималари, бунда таржимонлар эришган ютуқлар ва таржима жараёнида юзага келган муаммолар ҳақида сўз боради. Таржимонларнинг аслият тилидаги сўзларнинг маъно нозикликлари, ўзбек халқининг маданияти, миллий ўзига хосликлари, урф-одатларини қанчалик билишлари хусусида мулоҳаза билдирилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у нафақат ўзбек тилидан турк тилига, балки бошқа тиллар орасида амалга ошириладиган бадиий таржима масалалари билан шуғулланувчи магистрантлар ва соҳа мутахассислари учун ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, X.Ҳамидов томонидан нашрга тайёрланган “Ўткир Ҳошимов асарлари турк тилида” номли монографиясини нашрга тавсия этиш мумкин.

2020 йил 17 февраль

Н.М.Маҳмудов
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти директори,
филол.ф.д., профессор